

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАТКАРИМОВА НИГОРА САГДУЛЛАЕВНА**

**ЮҚОРИ ЁҒ КИСЛОТАЛАРИНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Маткаримова Нигора Сагдуллаевна</b> Юқори ёғ кислоталарининг ҳосилаларини олиш технологияси .....	3
<b>Маткаримова Нигора Сагдуллаевна</b> Технология получения производных высших жирных кислот .....	21
<b>Nigora Matkarimova</b> Technology for obtaining derivatives of higher fatty acids .....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАТКАРИМОВА НИГОРА САГДУЛЛАЕВНА**

**ЮҚОРИ ЁҒ КИСЛОТАЛАРИНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1402 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Максумова Ойтура Ситдиковна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қодиров Тўлқин Жумаевич**  
техника фанлари доктори, профессор  
**Каримов Рихсивой Қўчқорович**  
техника фанлар номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номли Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати йил 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.И. Кадиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Г. Рахмонбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда табиий ва экологик тоза хомашё - ўсимлик мойлари асосида олинувчи ёғ кислоталари қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармацевтика, резина саноати, ҳамда органик синтезда юқори реакцион қобилиятли функционал фаол бирикмалар, турли хил препаратлар ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Шу сабабли, эркин ёғ кислоталарини ажратиш, уларнинг турли ҳосилаларни синтез қилиш орқали, тиббиёт ва косметология саноатида эҳтиёж юқори бўлган биологик фаол композицион геллар олиш, ювиш воситалари учун тўлиқ биопарчаланувчи сирт фаол моддалар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда эркин ёғ кислоталарининг янги ҳосилаларини яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимлик мойлари таркибидан эркин ёғ кислоталарини ажратишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш, олеин кислотанинг сулфатланган амид тузларини синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва таркибий хусусиятларини тадқиқ қилиш, косметология ва тиббиётда биологик фаол моддалар сифатида қўллаш орқали микробиологик тоза композицион геллар, шунингдек маиший техникада ювиш воситалари учун сирт фаол моддалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда маҳаллий хомашёлар асосида эркин ёғ кислоталарини олиш, улардан янги ҳосилалар синтез қилиш орқали кимё, тиббиёт, косметология саноатини биологик ва сирт фаол моддалар билан таъминлаш мақсадида технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва миқдорини ошириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада олеин кислота, лицитин ва пиперидин асосида композицион сулфатланган амид тузларининг аввалдан белгиланган хоссаларга эга ҳосилаларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони

тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ўсимлик мойлари таркибидан эркин ёғ кислоталарни ажратиш, олеин кислота сульфатланган амид тузларини синтез қилиш, микробиологик тоза композицион геллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Z.V. Piter Ekhard, D.A. Martin, A. J. Bernard, G.U. Eimpiero, S.A. Gardano, Xaynts Ernst, T.A. Lobaeva, S. L. Xoakin, F. E. Martines, G.R. Mancigno, I. M. Titian, Jo-Xuon Seo, Н.Д. Белкина, И.А. Пермякова, Д.Г. Кнорре, А.М. Иванов, Т.А. Ткачева, В. Н. Мезенцева, И.Т. Исмоилов, Н.М. Мурашова, Н.П. Климова, А.В. Губанов, Ю.М. Постолов, С.А. Эфанов, Н. А.Тупкало, Н.Ф. Лешченко, А.М. Рахматуллин, Н.Ф. Василев, академик А.И. Глушенкова, А.А. Абдурахимов, А.Б. Абдикамалов, А.Ф. Шарипов, Г.Н. Ортиқов, О.М. Сеитназарова, Б.М. Исмаилова, Т.Ж. Қодиров, О.С. Максумова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан эркин ёғ кислоталарини ажратиш технологияларини яратиш, таркибида юқори карбон кислота ҳосилалари сақлаган биологик фаол препаратлар, сирт фаол моддалар синтез қилиш жараёнлари назарияларини асослаш, юқори реакцион қобилиятли функционал фаол бирикмалар олиш билан бирга, қўлланиш соҳаларини кенгайтириш ва технологияларини такомиллаштириш тавсия этилган.

Шу билан бирга ўсимлик мойларидан юқори ёғ кислоталарни ажратишнинг такомиллашган усулларини яратиш, олеин кислота, лицитин ва пиперидин асосида сульфатланган амид тузли ҳосилаларини синтез қилиш, уларни биологик фаол моддалар сифатида қўллаш, косметологияда микробиологик тоза композицион геллар ва сирт фаол воситалар ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-75 «Терига ишлов бериш учун биологик фаол моддаларни яратиш» (2015-2017 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсимлик мойлари таркибидан эркин ёғ кислоталар, хусусан олеин кислотани ажратиш ва унинг ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кунгабоқар мойи таркибига кирувчи юқори ёғ кислоталари аралашмасидан олеин кислотани ажратиш шароитларини тадқиқ қилиш;

олеин кислота ва пиперидин асосида тўртламчи туз олиш жараёнларини ўрганиш;

синтез қилинган тўртламчи тузнинг тузилиши ва физик - кимёвий хоссаларини аниқлаш;

олинган тўртламчи тузнинг сирт фаоллик хоссаларини ўрганиш, ювиш воситалари учун сирт фаол модда сифатида синаш;

олеин кислота ва лецитин асосида «ЛОКЕ» композит гел олиш жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш;

олеин кислота ва лецитин асосида синтез қилинган композицион гелнинг микробиологик тозалиги ва микробларга қарши хусусиятларини ўрганиш;

юқори ёғ кислоталари аралашмасидан олеин кислотани ажратиш, унинг асосида сирт фаол модда ва композит гел ишлаб чиқаришнинг бирлаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «UCHQO'RG'ON-YOG'» АЖ кунгабоқар мойи, унинг таркибидан ажратиб олинган олеин кислота, пиперидин, лецитин, сульфат кислота олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кунгабоқар мойи таркибидан ажратиб олинган олеин кислота асосида тўртламчи туз ва композицион гел олиш шароитлари, олинган бирикмаларнинг тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида ИҚ-, УБ-, <sup>1</sup>Н ЯМР - спектроскопия, юқори маҳсулдор суюқлик ва ион хроматографияси, энергия дисперсияли рентген люминесценция спектроскопия, шунингдек олинган тажрибавий маълумотларни статистик қайта ишлашнинг аналитик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кунгабоқар мойидан паст ҳароратда (-12°С) криоскопик усулда эркин олеин кислота ажратиб олинган;

олеин кислотани пиперидин билан амидлаш, сульфат кислота билан сульфатлаш ва аммоний гидроксид, ҳамда диэтанолламин билан тўртламчи туз ҳосил бўлиш жараёнлари мақбул шароитлари аниқланган;

тўртламчи тузнинг ювувчи, юмшатувчи ва эмульгирловчи хусусиятлари Девис усули бўйича гидрофил-липофил баланс сони орқали асосланган;

синтез қилинган тўртламчи тузнинг турли концентрацияларда сирт таранглиги, кўпикланиши ва биопарчаланиши аниқланган, 0,25 % концентрацияда сирт юзани 72 дан 41 Н/м гача камайтириши ва 98 % гача биопарчаланиши исботланган;

гел молекуласи таркибидаги гидрофил ва гидрофоб фазаларнинг қатлам ҳосил қилмай бирикиш жараёнига, лецитиннинг эмулгаторлик таъсири асосланган;

ўсимлик мойлари таркибидан олеин кислотани ажратиш ва унинг ҳосилаларини олиш технологияси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагиларда ўз аксини топган:

«UCHQO'RG'ON-YOG'» АЖнинг маҳсулоти кунгабоқар мойи таркибидан олеин кислотани ажратишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

олеин кислотани амидлаш, сульфатлаш ва аммонолиз тизимида ювиш воситалари учун сирт фаол модда олиш технологияси ишлаб чиқарилган;

олеин кислота ва лецитин асосида микробларга самарали таъсир этувчи «ЛОКЕ» композит гел воситаси олишнинг бирлаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий физик - кимёвий усуллар: ИК-, УБ-спектроскопия, газ-суюклик ва ион хроматографияси, элемент ва аналитик таҳлиллардан, экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда органик синтез жараёнлари замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти, маҳаллий кунгабоқар мойидан ажратилган олеин кислота, ҳамда пиперидин, сульфат кислота, аммоний гидроксид ва диэтанолламин асосида илк бор сирт фаол тўртламчи тузлар синтези, лецитин билан микробларга самарали таъсир этувчи композит гел олиш жараёнларининг мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олеин кислотанинг тўртламчи аммонийли тузлар асосида ювиш воситалари учун сирт фаол модда, медицина ва косметика саноатида яллиғланиш ҳамда вирусли касалликларига қарши антимикроб ҳусусиятларни намоён қилувчи композит гел ишлаб чиқаришда қўллашга ҳизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори ёғ кислоталарини ажратиш, биопарчаланиш кўрсаткичи ва уларнинг ҳосилаларини олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олеин кислотани ажратиш технологияси «Учқўрғон Ёғ-мой» АЖида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («UCHQO'RG'ON-YOG'» АЖ 2021 йил 02 декабридаги №413-сон маълумотномаси). Натижада, корхона маҳсулоти ҳисобланган кунгабоқар донини дастлабки қайта ишлашдан олинган юқори ёғ кислоталари таркибидан олеин кислотани ажратиш имконини берган.

кунгабоқар мойидан ажратилган олеин кислотани сулфоамидлаш технологияси «НАҲАТ COSMETICS» МЧЖ ишлаб чиқаришга жорий қилинган («UCHQO'RG'ON-YOG'» АЖ 2021 йил 02 декабридаги №413-сон маълумотномаси). Натижада, импорт ҳисобига сотиб олинувчи «BEFASIL» синтетик таркибли компонентни, табиий ва биопарчаланиш кўрсаткичи юқори бўлган сирт фаол модда билан тўлиқ алмаштириш имконини берган.

кунгабоқар мойидан ажратилган олеин кислота ва лецитин асосида олинган антибактериал «ЛОКЕ» композит гели «AgroKimyo Standart» МЧЖ ишлаб чиқаришга жорий қилинган («UCHQO'RG'ON-YOG'» АЖ 2021 йил 02 декабридаги №413-сон маълумотномаси). Натижада, тиббиётда ташқи қўллаш учун самарали дори восита ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, шулардан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Юқори ёғ кислоталари ҳосилалари синтези ва қўлланилиш соҳаларининг замонавий ҳолати»** деб номланган адабиётлар шарҳи учта бўлимларда: юқори ёғ кислоталарини ва ҳосилаларини ўрганиш ва ажратиш борасидаги тадқиқотлар, ёғ кислоталари асосидаги сирт фаол моддалар, синтетик ювиш воситаларининг синтез қилиш усуллари, тиббиёт ва косметология саноатида ёғ кислоталари ҳосилаларига бўлган талаб, улардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. Кўрилган адабий шарҳлар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Изланиш объектлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган дастлабки реагентлар, ва олинган моддалар таснифи юқори ёғ кислоталари ҳосилаларини синтез қилиш усуллари, кунгабоқар мойидан эркин ёғ кислоталари ва олеин кислотасини ажратиш, олеин кислота ва пиперидин асосида тўртламчи туз ва лецитин асосида (ЛОКЕ) композицион гел олиш ва синтез қилинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлашнинг физик кимёвий таҳлил усуллари баён этилган.

Диссертациянинг учинчи **«Юқори ёғ кислоталар ҳосилаларини олиш жараёнлари ва хоссаларини тадқиқ қилиш»** деб номланган боби тадқиқотларнинг асосий қисми ҳисобланади. Унда, юқори ёғ кислоталарининг гидролизи, ёғ кислоталари аралашмасидан олеин кислотани ажратиш ва ажратилган олеин кислота асосида тўртламчи аммонийли туз ва композит гел олиш жараёнлари, маҳсулот унумига турли хил омиллар таъсири шунингдек, синтез қилинган тўртламчи тузни ювиш воситалари олиш учун сирт фаол модда сифатида синаб кўрилганлик натижалари батафсил ёритилиб, муҳокама қилинган ва жараёнлар боришининг муқобил шароитлари тавсия этилган.




**1-расм. Кунгабоқар мойининг хроматографик тасвири**

Ушбу хроматографик таҳлил ҳам, кунгабоқар мойининг таркибида олеин кислотасининг миқдори кўплигини тасдиқлайди. Олинган таҳлиллардан ва мамлакатимизда кунгабоқарни етиштирилиши, ушбу мой таркибида бошқа кислоталарга нисбатан олеин кислота миқдори кўплигидан келиб чиқиб, кейинги тадқиқот ишлари кунгабоқар мойи таркибидан олеин кислотани эркин ҳолда ажратиш олишга қаратилди. Тадқиқот объекти сифатида «Учкўрғон Ёғ-мой» АЖ ҳомашёси ҳисобланган, кунгабоқар донини дастлабки қайта ишлашдан олинган мой танлаб олинди ва ушбу мой асосида юқори ёғ кислоталари олиш ва уларнинг таркибидан олеин кислотани ажратиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Бунда кунгабоқар мойидан олеин кислотасини эркин ҳолда ажратиш жараёни қуйидагича амалга оширилди. Дастлаб, гидролиз орқали совун олинди ва совундан ёғ кислоталари ҳосил қилиниб, ёғ кислоталари аралашмаси таркибидан олеин кислотаси ажратиш олинди. Юқори ёғ кислоталарининг физик-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш натижасида уларни ректификация усулида ажратиш бир мунча мураккаб эканлигини назарда тутган ҳолда тадқиқот ишларини ёғ кислоталар аралашмаси таркибидан олеин кислотани суюқланиш ҳароратига кўра, ажратишга қаратилди. Олеин кислотанинг суюқланиш ҳарорати бошқа ёғ кислоталардан кескин фарқ қилади, бу эса олеин кислотани бошқа ёғ кислоталари таркибидан эркин ҳолда ажратиш олиш имкони мавжудлигини кўрсатди ва олеин кислотани суюқланиш ҳароратига кўра эркин ҳолда ажратиш бўйича кўплаб тажрибалар олиб борилди. Унга кўра, кунгабоқар мойи асосида олинган юқори ёғ кислоталари аралашмаси  $-12\text{ }^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача совутилди ва юқори ёғ кислоталарининг аралашмаси таркибидаги барча кислоталар қаттиқ ҳолатга ўтди, суюқланиш ҳароратига қараб дастлаб линолен, линол кислоталар,  $16\text{ }^{\circ}\text{C}$  ҳароратда суюқланган олеин кислота аралашма таркибидан филтрлаш усули билан ажратиш олинди. Ажратиш олинган олеин кислотанинг унуми 43 % ни ташкил этди ва структураси ИҚ ва  $^1\text{H}$  ЯМР - спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланди (1,2,3-расмлар).

ИҚ-спектрнинг  $723\text{ см}^{-1}$  соҳасидаги ютилиш чизиқлари углеводород занжири таркибидаги қўшбоғларга тегишли бўлиб,  $2852\text{ см}^{-1}$  соҳада метилен гуруҳининг симметрик ва ассиметрик тебранишлари кузатилади. Спектрнинг

2353  $\text{cm}^{-1}$  соҳасидаги чизиклар метил ( $-\text{CH}_3$ ) ва метилен ( $-\text{CH}_2$ ) гуруҳларининг валент тебранишлари, 1708 ва 2922  $\text{cm}^{-1}$  соҳасидаги ютилиш частоталари карбоксил гуруҳига тегишли валент тебранишлари, 1556 ва 1651  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш чизиклари тўйинмаган карбон кислота гуруҳига тегишли кучли тебраниш частоталарини намоён қилиши кузатилди.


Шунингдек, кунгабоқар мойидан эркин ҳолда ажратиб олинган олеин кислотасинг инфра қизил тасвири «Агро-Кимё Стандарт» синов марказининг маълумотлар базасида мавжуд бўлган олеин кислотанинг стандартлари билан ҳам таққослаб таҳлил қилинди (2-расм).



## 2-расм. Ажратиб олинган олеин кислотасини мавжуд эталон стандартлар билан солиштириш ИҚ-спектри

ИҚ-спектрда қизил ранг билан тасвирланган ютилиш чизиклари кунгабоқар мойи таркибидан ажратиб олинган олеин кислотага тегишли бўлиб, олеин кислотасининг мавжуд стандартига 99% ва ютилиш чизиғи линол кислотасининг стандарти ҳисобланади. Таҳлил натижалари, тадқиқотларимиз давомида олеин кислотаси ажратиб олинганлигини, унинг структураси юқорида келтирилган мавжуд стандартларга тўлиқ мос келишини тасдиқлайди. Ажратиб олинган олеин кислотани структураси  $^1\text{H}$  ЯМР-спектроскопия усули ёрдамида ҳам ўрганилди (3-расм).

Ажратиб олинган олеин кислотасининг  $^1\text{H}$  ЯМР-спектри бир неча мультиплетлардан ташкил топганлиги кузатилди. Бунда 9 ва 10 углерод атомлари орасида жойлашган қўшбоғни асос сифатида қаралади ва занжирдаги углерод атомлари икки ён тарафидаги углерод атомлари билан боғланган водород протонлари бир хил кучга эгаллиги учун учун икки ён тарафдаги углерод атомлари бир хил соҳада ютилиш соҳаларни намоён қилган.



**3-расм. Ажратиб олинган олеин кислотанинг  $^1\text{H}$  ЯМР -спектри**


Намунанинг кимёвий силжиш сигналлари протонлари, дейтерийли эритувчида эриган хлороформ ( $\text{CHCl}_3$ ,  $\delta=1,36$  м.у аралашмасининг молекуляр занжирининг сигнали орқали аниқланган. 5,1 соҳасидаги ютилиш майдони спектрлари тўйинмаган ёғ кислоталарининг қўшбоғ протонларига, 3,61 соҳасидаги синглет спектр сигнали  $\text{COOH}$  гуруҳи протонига тегишлидир. Қўшбоғ тутган  $\text{CH}_2$ -гуруҳининг протонларининг дублет-дублет сигналлари 2,7 - 2,8 м.у. соҳаларда кузатилди. Олеин кислота метил гуруҳининг протонлари 1,2 - 1,3 м.у. соҳаларда триплет шаклида кузатилди. Кимёвий силжишнинг 2,49 соҳасидаги триплет ҳолатидаги чуқур ютилиш сигнали олеин кислота таркибидаги барча  $(\text{CH}_2)_n$  гуруҳларининг протонларини ютилиш чизиқлари ҳисобланади. Шундай қилиб, криоскопик усул ёрдамида ажратилган олеин кислотанинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ГОСТ 29039-91 талабларига мос келиши аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ажратиб олинган олеин кислотанинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар номи	Олеин кислотанинг ГОСТ 29039-91 талаби бўйича хоссалари	Ажратиб олинган олеин кислотанинг хоссалари
Кўриниши	Шаффоф суюқлик	Шаффоф суюқлик
Ҳиди	Ўзига хос	Ўзига хос
Йод сони г $\text{I}_2/100$ г	85 - 105	95
Кислота сони мг $\text{KOH/г}$	185 - 200	194
Қотиш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	16	12-16
Зичлиги, $\text{г/см}^3$ ( $20^{\circ}\text{C}$ )		0,8900
Нур синдириш кўрсаткичи ( $20^{\circ}\text{C}$ )		1,4581

Кейинги бўлимдаги тадқиқот ишлари олеин кислота ва пиперидин асосида сирт фаол модда синтез қилишга қаратилди. Ушбу бўлимда пиперидин ва олеин кислотаси асосида тўртламчи туз синтез қилиш натижалари келтирилган. Синтез жараёни бир неча босқичда амалга оширилди: биринчи босқич - олеин кислотанинг пиперидин билан реакцияси (1), иккинчи босқич - олинган бирикманинг сульфат кислота билан сульфатланиши (2), учинчи босқич -  $\text{NH}_4\text{OH}$  (3) ва  $(\text{HOCH}_2\text{CH}_2)_2\text{NH}$  реакциялари (4). Тўртламчи аммоний туз ҳосил бўлиш реакциясини қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин:




Синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузнинг тузилиши ИҚ ва  $^1\text{H}$  ЯМР спектроскопия ва юқори самарали суюқликлик хроматографияси усуллари ёрдамида тасдиқланди.

ИҚ-спектрида қуйидаги ютилиш чизиқлари намоён бўлди:  $621\text{ см}^{-1}$  соҳада С-Н боғланишларидаги  $\text{CH}_2$  ( $n \geq 6$ ), гуруҳларнинг ютилиш чизиқлари,  $1386-1392\text{ см}^{-1}$  соҳалардаги метил ( $-\text{CH}_3$ ) гуруҳининг валент ва деформацион тебраниши чизиқлари,  $1419\text{ см}^{-1}$  соҳада эса метилен ( $-\text{CH}_2$ ) гуруҳининг валент тебраниши кузатилган.  $1081\text{ см}^{-1}$  соҳадаги деформацион тебранишлар ОН гуруҳига тегишли. Спектрнинг  $850\text{ см}^{-1}$  соҳадаги С-О гуруҳининг кучли валент тебранишлари туфайли  $1590\text{ см}^{-1}$  соҳада юзага келган ютилиш частоталари тўртламчи аммоний тузлар ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди.  $989\text{ см}^{-1}$  соҳалардаги валент тебранишлар пиперидин ҳалқасига хос.  $1626\text{ см}^{-1}$  соҳасидаги тебраниш частоталари С=О ва N-H гуруҳларининг СОН гуруҳи билан таъсирланишидан ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин.  $\text{NH}_4^+$  гуруҳининг мавжудлиги  $3052\text{ см}^{-1}$  ва  $3030\text{ см}^{-1}$  соҳаларда ютилиш частоталари кузатилганлиги билан тасдиқланади. Келтирилган маълумотлар орқали, олеин кислотани сульфатланган амидларини синтез қилиш реакциясида сульфат кислота С=С боғига боғланганлигини  $1258$

см<sup>-1</sup> соҳасида амидларга хос кучли ютилиш чизиқлари мавжудлиги билан тасдиқланади.

Шунингдек, олеин кислота асосида синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузнинг структураси <sup>1</sup>H ЯМР-спектроскопия усули ёрдамида ҳам ўрганилди (4-расм).

4-расмдаги <sup>1</sup>H ЯМР - спектрида сулфо гуруҳи билан бириккан N-H - гуруҳи протонининг кимёвий силжиши 1,45-1,92 м.у. соҳаларда синглет сигналлари кўринишида кузатилди. Пиперидин ҳалқасига хос протонларининг дублет сигналлари 7,09 - 7,22 м.у. соҳаларда кузатилди. Пиперидинга тегишли метилен гуруҳининг протон сигналлари 4.42 - 4.47 м.у. соҳасида жойлашган. Карбонил гуруҳига тегишли метилен гуруҳи протонининг сигналлари 2,2 - 2,4 соҳаларда, олеин кислотага тегишли метилен протонларининг кимёвий силжиши эса триплет ҳолатида 5,34 м.у. соҳаларда кузатилди.



**4-расм. Олеин кислота асосидаги тўртламчи аммонийли тузнинг <sup>1</sup>H ЯМР-спектри**


Кейинги босқичда олеин кислотанинг тўртламчи аммонийли тузининг юқори самарали суёқлик ва ион хроматографияси усуллари ёрдамида тадқиқ натижалари келтирилган (2-жадвал, 5-расм).

**2-жадвал**

**Олеин кислота ва пиперидин асосида синтез қилинган тўртламчи туз таркибидаги компонентларни юқори самарали суёқлик хроматографиясида ажралиш натижалари**

Босқичлар рақами	Номланиши	Ажралиш вақти, сония	Баландлиги, mV	Юзаси, mV·дақ.
1	Биринчи босқич маҳсулоти	1393	479,35	11,20
2	Иккинчи босқич маҳсулоти	1358	685,30	16,02
3	Учинчи босқич маҳсулоти	1336	1111,57	25,98
4	Тўртламчи аммоний туз	1484	2002,30	46,80

Хроматограмма натижалари, танланган шароитда тўртта босқичда ҳам маҳсулотлар ҳосил бўлганлигини ва бу маҳсулотларнинг ҳар бири тўртламчи туз таркибидан алоҳида тўлиқ ажралганлиги билан тасдиқланди.



**5-расм. Олеин кислота асосидаги тўртламчи аммонийли тузнинг ион алмашиниш хроматография тасвири**

Ион алмашиниш хроматография усули натижаларига кўра, синтез қилинган тўртламчи тузнинг таркибидаги аммоний иони 4,73 дақиқада ажралиб чиқишини кўриш мумкин.

Шунингдек, синтез қилинган олеин кислота асосида олинган тўртламчи аммонийли тузнинг кислота сони ва йод сони ҳам аниқланди. Унга кўра, дастлабки реакцияга киришган ҳомашёларнинг кислота сони 175 мг КОН/г бўлган, сульфатланишдан кейин кислота сони 189 мг КОН/г га ошганлиги, йод сони эса 90 мг I<sub>2</sub>/100 г дан 0 г I<sub>2</sub>/100 г гача камайиши кузатилган. Реакциядаги бу ҳолатни сульфатланиш реакцияси содир бўлганлиги, олеин кислота таркибидаги С=С боғнинг тўлиқ йўқолганлиги ва тўртламчи туз ҳосил бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**3-жадвал**

**Пиперидин ва олеин кислота асосида синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Формула	Агрегат ҳолати	Кислота сони	Йод сони	T <sub>суюқ</sub> , °C	d <sup>20</sup> <sub>4</sub> , г/см <sup>3</sup>
$\text{H}_3\text{C}-(\text{CH}_2)_7-\underset{\substack{\text{OSO}_2\text{ONH}_2 \\ (\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_2}}{\text{CH}}-\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{C}(=\text{O})-\text{N} \begin{array}{c} \text{O} \\ \parallel \\ \text{C}_6\text{H}_{11} \end{array}$	Сариқ кристалл	189	0	112-114	0,9620

Олинган тўртламчи аммонийли туз сув, хлороформ, диэтил эфир, метил спирти, диметилформаидда яхши эрийди.

*Лецитин ва олеин кислота асосида (ЛОКЕ) композицион гел олиш.* Экологик тоза ва табиий гел олиш мақсадида эмулгатор сифатида табиий лецитин ҳомашёси танлаб олинди ва тиббиётда ва косметологияда ташқи фойдаланиш учун мўлжалланган гел олинди. Гел ҳосил бўлиш жараёнига

ҳарорат, реакция вақти, моддалар нисбати таъсири тадқиқ қилинди. 4-жадвалдаги натижаларга кўра, реакция вақти ортиши билан аралашмаларнинг шаффоф, гомоген гел ҳолатига ўтиши кузатилди.

4-жадвал


Гел ҳосил бўлишига реакция вақтининг таъсири, T=55 °C

№	Реакция вақти, мин	Маҳсулот ҳолати
1	30	Аралашма гомоген эмас, лецитин тўлиқ эримаган
2	50	Лецитин тўлиқ эриган, икки қатламли масса
3	70	Суюқ хира рангли гомоген масса
4	90	Суюқ шаффоф, гомоген масса
5	110	Шаффоф, қовушқоқ, гомоген масса

Олеин кислота ва лецитин асосида гел ҳосил бўлиш жараёнининг муқобил шароити аниқланди. Бунда жараёнининг оптимал шароити этиб, реакция ҳарорати 55 °C ва реакция давомийлиги 90 дақиқа бўлганда тиник, шаффоф гомоген гел олишга эришилди. Гелнинг структура тузилиши ИҚ-спектроскопия ва рентген флюоресценция усуллари ёрдамида таҳлил қилинди.


Олинган гелнинг антибактериал хусусиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Тошкент давлат стоматология институтининг "Микробиология ва иммунология" лабораториясида *in vitro* усулида 10 турдаги микроблар (*Esch. Coli III*, *Staph. Aureus*; *St.saprofiticus*; *Staph. Epidermidis*; *Str. Pyogenes*; *Esch. ColiIV*; *Proteus*; *Pseudomonas*; *Klebsiella*; *Candida*) таъсирида ўтказилди. Тажриба натижалари синтез қилинган ЛОКЕ композицион гелини "Нанохитозан" ва "Орлокс" каби эталон антибиотикларга нисбатан кучли антибактериал таъсир кўрсатиши аниқланди.

Синтез қилинган олеин кислота асосидаги тўртламчи туз сирт фаол модда сифатида қўллаш. Синтез қилинган тўртламчи туз катион фаол сирт фаол модда сифатида "НАҲАТ COSMETIC" корхонасида ишлаб чиқарилаётган шампун кондиционер таркибига 20 °C ҳароратда, турли концентрацияларда (0,25; 0,5; 0,75; 1) қўшиш орқали сирт фаоллик таъсири, кўпик ҳосил бўлиш, кўпик барқарорлиги каби хусусиятлари аниқланди.



6-расм. Сирт тарангликни тўртламчи аммонийли туз концентрациясига боғлиқликлари, моль/л: 0,25; 0,5; 0,75; 1,0. T=30 °C

Аниқлаш натижаларига кўра, шампун-кондиционер таркибига солинган тўртламчи аммонийли туз энг кичик 0,25 концентрацияда ҳам сирт тарангликни 72 дан 45,81 мН/м гача камайтирганлиги ва корхонада фойдаланилаётган ҳорижий сирт фаол модда билан таққосланганда 98% биопарчаланишни кўрсатган. Шунингдек, кўпик хажмига ҳароратнинг таъсири ўрганилди. Бунда жараён 20; 35; 50 °С да олиб борилди ва қуйида олинган натижалар келтирилди (7-расм).



**7-расм. Кўпик хажмига ҳароратнинг таъсири: 20; 35; 50 °С.**

Кейинги босқичда эса сирт фаол моддаларнинг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган биопарчаланиши ўрганилди (ГОСТ 32509-2013). Олинган натижаларга кўра, тўртламчи туз 98% биопарчаланиши аниқланди. Тўртламчи аммонийли тузнинг тўлиқ биопарчаланиш хусусиятини, унинг молекуласидаги турли функционал гуҳлар мавжудли ва табиий кунгабоқар мойи асосида синтез қилинганлиги билан изохлаш мумкин.

Юқорида олинган барча натижаларидан келиб чиқиб, синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузнинг хоссалари ҳозирда шампун ва кондиционерлар учун фойдаланиб келинаётган “BEFASIL” номли сирт фаол модданинг хоссалари ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаб кўрилди (5-жадвал).


**5-жадвал**

**Синтез қилинган тўртламчи аммонийли туз ва эталон сирт фаол моддаларнинг хусусиятлари**

Моддалар номи	Моддалар массаси, кг	Тан-нархи, сўм	$\sigma$ , мН/м	Кўпик-ланиш хажми, см <sup>3</sup>	Биопар-чаланиши, мг/дм <sup>3</sup>	1 тонна учун
Олеин кислота асосида олинган тўртламчи туз	1000	17000	72-45,81	45	98 %	29,4 млн
Бифасил, Германия, “Bass” фирмаси	1000	65000	71-44,62	48	60 %	65,1 млн

Олинган натижаларга асослаиб, чет элдан валюта ҳисобига сотиб олинаётган «Бифасил» сирт фаол модданинг таннархига қараганда олеин кислота асосида синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузнинг таннархи нисбатан анча арзон, биопарчаланиш даражаси ҳам анча юқори эканлигини хулоса қилиш мумкин.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар натижасида кунгабоқар мойи таркибидан олеин кислотани ажратиб олиш ва ажратиб олинган олеин кислота асосида сирт фаол модда ва «ЛОКЕ» композицион гел олишнинг бирлаштирилган технологик схемаси таклиф қилинди. Биринчи босқичда пўлатдан ясалган (1) аралаштиргичли реакторга кунгабоқар мойи ҳисобланган миқдордаги 30-40 % ли натрий гидроксид эритмаси билан солинади. Совунланиш жараёни 85-90 °С ҳароратда олиб борилади. Ҳосил бўлган олеин кислотанинг натрийли тузи (совун) ажратиб олинади ва сульфат кислотани юклаш, реакциян массани икки қатламга ажралиши билан тўхтатилади. Шунингдек, ёғ кислоталари ҳосил бўлганлигини индикатор лакмус қоғозининг қизил рангга ўтиши билан ҳам аниқлаш мумкин. Ҳосил бўлган аралашма 15 дақиқа тиндирилиб, натрий сульфат ва юқори ёғ кислоталари қатлами ажратиб олинади. Сульфатли сув реакциян муҳитдан ажратиб олинади. Ушбу натрий сульфатни цемент ишлаб чиқариш учун пулпа тайёрлашда ёки минерал ўғит ишлаб чиқариш жараёнлари учун йўналтириш мумкин.



- 1-аралаштиргичли реактор; 2-ажратгич; 3-нейтрализатор; 4-совутгич;  
 5- тиндиргич; 6- йиғгич; 7- насос дозатор; 8-кристаллизатор; 9-буғлатгич;  
 10-қуритгич; 11- реактор; 12-йиғгич

**8-расм. Кунгабоқар мойидан олеин кислота ва унинг ҳосилаларини олишнинг бирлаштирилган технологик схемаси**

Ҳосил бўлган юқори ёғ кислоталар аралашмаси сув билан ювилиб, (4) реакторга юборилди ва бу ерда аралашма  $-12\text{ }^{\circ}\text{C}$  ҳароратда совутилди. Совутилган аралашма  $16\text{ }^{\circ}\text{C}$  ҳароратда иситилади суюқланган фракция яъни олеин кислота ажратиб олинади ва (5) тиндиргичда тиндирилиб, (6) йиғилади ва (7) насос дозатор ёрдамида кейинги босқичга юборилади.

Иккинчи босқичда ажратиб олинган олеин кислотаси (2) реакторга юборилади ва ҳисобланган миқдорда пиперидин солинади ва аралаштириб туриш орқали қиздирилади, ҳарорат  $102-105\text{ }^{\circ}\text{C}$  га етганда, сув ажралиб чиқади. Сўнгра аралашма бир оз совутилади ва 20% сульфат кислота солиб  $45-50\text{ }^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 4 соат давомида аралаштириш билан қиздирилади ва устига ҳисобланган миқдорда аммоний гидроксид ва диэтанолламин солинади. Ҳосил бўлган тўртламчи туз кристаллари 8 идишда ацетон билан ювилади ва ортиқча эритувчи 9 буғлатгичда буғлатгилади ва тозаланган тўртламчи туз 10-қуригичда қурилади.

Учинчи босқичда 6-йиғичдан олеин кислота насос дозатор орқали (11) аралаштиргичли реакторга юборилади. У ерда дистилланган сув ва лецитин солиб,  $55\text{ }^{\circ}\text{C}$  да сув ва мой фаза бирикиб, қатлам ҳосил қилмайдиган бир хил масса ҳолатига келгунига қадар 20 дақиқа давомида мунтазам аралаштириш орқали қиздирилади. Реакцион масса хона ҳароратида совутилади ва ҳушбўй ҳид бериш учун ҳосил бўлган композит гелнинг умумий массасига нисбатан 5% миқдорда жасмин эфир мойи қўшилади. Тайёр композит гели қадоқлаш учун юборилади.

## ХУЛОСА

1. « UCHQO'RG'ON-YOG'» АЖнинг бирламчи қайта ишлаш маҳсулоти бўлган кунгабоқар мойи такрибидан криоскопик усул ёрдамида олеин кислота ажратиб олинган. Кунгабоқар мойи таркибидаги эркин ёғ кислоталарининг сифат ва миқдори хроматография усули ёрдамида аниқланган. Ажралиш жараёнига сульфат кислотанинг концентрацияси ва умумий мой массасига нисбатан миқдори аниқланган. Ажратиб олинган олеин кислотанинг структураси ИҚ,  $^1\text{H}$  ЯМР - спектроскопия, юқори маҳсулдор суюқлик хроматографияси усуллари ёрдамида тасдиқланган.

2. Ажратиб олинган олеин кислота ва пиперидин асосида тўртламчи туз синтез қилишнинг ҳар бир босқич жараёнлари тадқиқ қилинган. Жараёнларда ҳосил бўладиган оралик маҳсулотлар ва тўртламчи тузнинг тузилиши ИҚ,  $^1\text{H}$  ЯМР-спектроскопия, юқори маҳсулдор суюқлик ва ион хроматографияси усуллари ёрдамида тасдиқланган.

3. Ажратиб олинган олеин кислота ва лецитин асосида косметология ва тиббиётда фойдаланиш учун композит ЛОКЕ гел олиш жараёнлари, гел ҳосил бўлиш жараёнига ҳомашё нисбатлари ва ҳарорат таъсири аниқланган. Олинган гелнинг тузилиши ИҚ, УБ- спектроскопия ва юқори маҳсулдор суюқлик хроматографияси ва элемент анализ усуллари асосида тасдиқланган.

4. ЛОКЕ гелнинг микробиологик тозалиги ва микробларга қарши антибактериал фаоллиги Тошкент стоматология институтининг “Микробиология ва иммунология” лабораториясида *in vitro* усулида 10 турдаги микроблар таъсирида аниқланган. Синтез қилинган ЛОКЕ гелини “Нанохитозан” ва “Орлокс” каби эталон антибиотикларга нисбатан кучли антибактериал таъсир кўрсатиши аниқланган ва у тери касалликлари учун ташқи фойдаланиш учун тавсия этилган.

5. Олеин кислота асосида синтез қилинган тўртламчи тузнинг турли концентрацияларда (0,25; 0,5; 0,75; 1,0) сирт тарангликни камайтириш, кўпикланиш ва биопарчаланиши хусусиятлари ўрганилган. Энг кичик 0,25% концентрацияда ҳам сирт юзани 72 дан 41 Н/м гача камайтириши ва тўлиқ биопарчаланиши аниқланган.

6. Кунгабоқар мойи таркибидан олеин кислотани ажратиб олиш ва ажратиб олинган олеин кислота асосида сирт фаол модда ва "ЛОКЕ" композицион гели олишнинг бирлаштирилган технологик схемаси таклиф қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МАТКАРИМОВА НИГОРА САГДУЛЛАЕВНА**

**ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ПРОИЗВОДНЫХ ВЫСШИХ ЖИРНЫХ  
КИСЛОТ**

**02.00.14 – Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

**ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.4.PhD/T1402**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tktiti.uz](http://www.tktiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Максумова Ойтура Ситдиковна**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кадиров Тулкин Жумаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Каримов Рихсивой Кучкарович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский Государственный Технический  
Университет имени Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в «\_\_» часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20), факс: (99871) 2447917, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(протокол реестра рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.).

**Туробжонов С.М.**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Кадиров Х.И.**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**Рахмонбердиев Г.**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время высшие жирные кислоты и их производные на основе натуральных и экологически чистых растительных масел находят широкое применение в сельском хозяйстве, медицине, фармацевтике, технике, а также в области органического синтеза. Высшие жирные кислоты служат источником сырья при производстве мыла, синтетических каучуков, резинотехнических изделий, синтетических смол, лаков, эмалей, высших жирных спиртов, поверхностно-активных веществ и различных других препаратов. В связи с этим, важное теоретическое и практическое значения имеют проведения научных исследований по синтезу новых веществ на основе высших жирных кислот, особенно ненасыщенных жирных кислот.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по созданию новых производных свободных жирных кислот. В связи с этим, особое внимание уделяется исследованию инновационных методов выделения свободных жирных кислот из растительных масел, синтезу сульфатированных амидных солей олеиновой кислоты, изучению их состава и физико-химических свойств, применению в косметологии и медицине в качестве микробиологически чистого композиционного геля, а также разработке и испытанию технологий синтеза поверхностно-активных веществ для бытовых технических моющих средств.

В последние годы в республике в целях обеспечения химической, медицинской, косметологической промышленности биологическими и поверхностно-активными веществами за счет выделения свободных жирных кислот из местного сырья и синтеза новых продуктов, увеличения производства, сокращения импорта, расширения локализованной продукции, совершенствования технологических процессов, повышении качества и количества продукции достигаются определенные научные и практические результаты. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан поставлена задача «создания технологий получения импортозамещающей продукции из местного сырья и вторичных ресурсов»<sup>1</sup>. В связи с этим особое значение имеют исследования, направленные на разработку технологии получения композиционных сульфатированных амидных солей на основе олеиновой кислоты, лецитина и пиперидина с заданными свойствами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Приказе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности» и № УП -4891 от 6 апреля

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации импортозамещающих производств», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

